

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Архитектура» факультети

«Дизайн» кафедраси

Битирув малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*Мавзу: Самарқанд шаҳар Сугдиёна истироҳат боғининг
архитектуравий-ландшафт ечими*

Дипломант: *Ахмедова Зебинисо*

Раҳбар: *проф. Мухамадиев Э.М.*

Маслаҳатчи: *Сафаров*

«Дизайн» кафедраси мудири: *Тугизов Ш.Х.*

Самарқанд-2012

МУНДАРИЖА

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми
3. Бадий қисми
4. Конструктив қисми
5. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми
6. Экология қисми
7. Хулоса
8. Адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Ҳар бир соҳа ва амалиётнинг ўтмиши, тарихи бўлганидек ландшафт архитектураси ва дизайнининг ҳам тарихи бор.

“Ландшафт архитектураси ва дизайни” атамаси илк бор бундан юз йил муқаддам Америка Қўшма Штатларида, у ердаги миллий паркларни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келди. Оврупога эса у анча вақтдан сўнг кириб келган. Бироқ, бундан ландшафт архитектураси ва дизайни қисқа ва мўъжаз тарихга эга экан деган тушунча келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, ушбу тушунча чегаралари инсон фаолиятининг жуда кўхна тарихга бориб тақалади. Ландшафт меъморчилиги ва дизайнининг тараққиёт йўлини яхлит тушуниш учун ушбу атаманинг моҳиятини аниқлаш, ландшафт меъморлари ва дизайнерларининг нималар билан шуғулланишлари ва бу касбнинг кенг архитектура дунёсидаги ўрнини чуқурроқ англаш жуда муҳимдир.

Замонавий тушунчаларга кўра маълумки, архитектура деганда инсоният жамияти ва унинг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган қулай ва шинам муҳит яратишга қаратилган ижодий ва амалий фаолият тушунилади. Бундан қарийб икки минг йил муқаддам яшаган румлик архитектура назариётчиси Марк Витрувий Поллион архитектор яратадиган ушбу муҳитнинг фойдали, мустаҳкам ва айна пайтда, гўзал бўлишлиги ҳақида гапирган. Демак, меъморчиликка хос узвий сифатлар – бу фойдалилик, мустаҳкамлик ва гўзалликдир. Дизайнга хос сифатлар ҳам деярли шундай: фойдаланишга қулайлик, мустаҳкамлик, чиройлилик, тежамкорлик, қурилмавий-техник ва саноат талабларига мувофиқлилик. Ёки замонавий тил билан бошқачароқ айтсак, меъморий ва дизайнерлик фаолиятининг, яъни сунъий ҳаётий муҳитни яратишнинг вазифавий, техник ва эстетик жиҳатлардан барқарор бўлишлиги, архитектура ва дизайн инсон фаолиятининг энг муҳим учта жиҳатларини: фан, техника, иқтисодий ва эргономик талабларни, эстетика ва санъатни ўзида мужассамлаштирмоғи зарур.

Ландшафт архитектураси ва дизайни, унинг муҳим тармоғи

ҳисобланган боғ-истироҳатчилик санъатининг ўзига хос ёрқин хусусияти бу уларни намоён қилишда қўлланиладиган табиий “қурилиш материаллари”дир. Булар сафига энг аввало ўсимликлар дунёси, сув дунёси, ер, тошлар ва умуман жой рельефининг барча хусусиятлари киради. Айнан шу материаллар очик фазовий муҳитни шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Анъанавий қурилиш материаллари очик муҳитни шакллантиришда муҳим бўлсада, бироқ ёрдамчи рол ўйнайди. Ландшафт меъмори гўё тирик табиат билан ишлаётгандек бўлади, асосан шу табиат элементларидан фойдаланиб инсон эҳтиёжи учун муҳит яратади. Бунда у табиий элементлар ва атроф-муҳитга иложи борица кам таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бошқа томондан эса у бутунлай янги “сунъий табиат” яратиб, уни инсон мақсадлари ва бадиий эҳтиёжларига мослаштиради. Ушбу йўналиш ландшафт архитектураси ва дизайни тарихий тараққиётининг бутун давомида турли кўриниш ва боғланишларда намоён бўлиб келди ва келмоқда.

Ландшафт архитектураси ва дизайннинг хусусиятидаги, агар биз уни анъанавий меъморий амалиёт билан таққосласак, ҳал қилувчи нарсани унинг эстетик ролида ва таъбир жоиз бўлса, инсонпарварликнинг ибтидосида кўрамиз. Муҳитни шакллантирувчи функционал ва айниқса, техник томонлар, улар қанча муҳим бўлса-да, ландшафт архитектурасида ёрдамчи ўринни эгаллайди. Айнан ушбу ҳолат ландшафт архитектураси ва дизайнини алоҳида санъат тури, хусусан боғ-паркчилик санъатининг бир кўриниши тарзидаги тушунча мазмунида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Жумладан, академик Д.С.Лихачев тарихий боғларнинг режавий стилистик ечимини у ёки бу давр, у ёки бу мамлакат халқлари бадиий тасаввурининг ифодаси деб баҳолайди. Бундай дунёқараш гарчи анча субъектив хусусиятга эга бўлса ҳам тўлиғича ҳаққонийдир. Дарҳақиқат, истироҳат боғлари бунёд этган меъморлар ижоди ҳамиша алоҳида шоирона хусусиятга эга бўлиб, ўз

даврининг маънавий ва бадий-эстетик ғояларини узвий уйғунлашган.

Айни пайтда ландшафт архитектураси ва дизайни доирасини фақатгина боғ-паркчилик санъати билан чегаралаб қўйиш ҳам ноўриндир. Ландшафт архитектори ва дизайнери фаолиятининг муҳим соҳаси – бу шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида очик майдонларни ташкил қилишдир. Яқин кунларгача бу иш мавжуд бино ва иншоотлар атрофида микросфералар яратиш эҳтиёжидан келиб чиқадиган меъморий ижоднинг қўшимча вазифаси саналарди. Бу каби юмушлар одатда ободонлаштириш деб номланиб келинди ва келинмоқда. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ўтмишда шаҳарларнинг очик жамоа майдонлари ва муҳитини яратишда таниқли архитекторлар ва дизайнерлардан ташқари шаҳарсозлар ва боғбонлар ҳам қатнашганлар. Юнонистон ва Римда ландшафт архитектурасининг объекти тарзида агоралар, форумлар ва антик даврларнинг монументал ва фаввораларга бой майдонлари хизмат қилган. Қадимги юнон театрлари, рим акведуклари ва термлари, ўрта аср мудрофаа деворлари ва улар олдидаги зовурлар замонавий йўл ва транспорт иншоотлари – булар меъморчилик, ландшафт архитектураси ва дизайни манфаатларининг муштарак объектидир. Ўтмиш ландшафт архитектураси ва дизайнининг энг машҳур объектларига, жумладан Қадимги Бобилнинг осма боғлари, буюк Микеланджело яратган зиналар тўшовлар ва ҳайкалларга бой Капитолия майдони, Петербургнинг соҳиллари ва кўприклари, Аградаги Бобурийлар яратган Тожи Маҳал мақбара боғ-сарайи ва бошқа қатор объектлар киради.

Ландшафт архитектураси асрлар давомида боғ истироҳатчилик санъатининг шаҳарсозлик санъатига уйғунлашиб кетишувида, қўча ва йўллар ўтказиш майдонлар ташкил қилиш ва уларга композициялар бериш асосида шаклланган. Ҳамма даврлар шаҳарлари очик муҳитли майдонларининг шаклланишида ёнма-ён икки режавий йўналиш мунтазам(ҳандасавий тартибли) ва табиий (эркин тартибли) манзаравий композицион

режалар қўлланиб келинган. Бу икки йўналиш доимо бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Ҳар қандай мунтазам режали композиция ҳам тирик табиат кучоғида уйғунлаштирган. Ва аксинча, ҳар қанақа, ҳатто энг эркин манзаравий режа ҳам ҳандасавий тўғри чизиқли элементларсиз амалга оширилмаган.

Сўнгги юз йилликда жаҳон ландшафти архитекторлари ва дизайнерларининг фаолият доираси тез суратлар билан кенгайиб борди. Бу соҳага эндиликда кенг ва катта майдонлар кириб, ландшафт архитектураси меъморий ижодиётнинг учинчи бир муҳим соҳасини ҳудудий режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда бандлик ўлчовлари ҳудуд масштабига нисбатан ўта аҳамиятсиз бўлган кенг майдонларда ҳажмий ҳаётий муҳитни ташкил қилишдир. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳудудий режалаштириш меъморчиликнинг алоҳида тармоғи тарзида тан олинган. Натижада учта меъморий касб юзага келган архитекторлар, ландшафт архитекторлари ва дизайнери, режаловчи архитектор(планировщик). Бу касблар Бирлашган Миллатлар ташкилотининг халқаро меҳнат бўлими томонидан эътироф этилган. Бироқ бу касблар орасида мустаҳкам чегара йўқ. Шундай бўлсада ҳар учала касбнинг ҳам ўзига хос тамонлари аниқ. Бу уларнинг ҳар бири шуғулланадиган ҳажмий фазовий муҳит хусусиятларидан келиб чиқади.

Ихтисослаштириш умуман олганда меъморчилик ва дизайнерликка хос замонавий ривожланиш анъаналарининг бирон бир соҳасини белгилайди холос. Айни пайтда замонавий меъмор ва дизайнерларнинг дунёқарашини тинмай ошириб бориш, унинг билим доирасига биринчи қарашда ундан узоқ бўлган турли-туман масалаларни ҳам киритиш зарурати туғилмоқда. Шу нуқтаи назардан замонавий ландшафт архитекторлари ва дизайнерининг фаолияти иқтисодий география асослари, ҳудудий режалаштириш, экология, ўсимликшунослик ва бошқа қатор фундаментал билимларсиз

самарасиз деб топилмоқда. Табиийки, бунда юсак касбкорликка бўлган талаб эътибор марказида қолаверади. Бу эса касбкорнинг энг аввало ушбу касбнинг тарихий илдизлари ва тажрибаларини кунт билан ўрганишни талаб қилади.

Жаҳон ландшафт архитектураси ва дизайни тарихи ҳанузгача яхши ўзганилмаган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти боғ-паркчилик санъатини таҳлил қилишган, жаҳон ландшафт архитектурасининг бошқа соҳаларини эса назардан четда қолдиришганлар. Боғ паркчилик санъатига ҳам унинг минтакавий асосларига қараб алоҳида, бир-биридан айри ҳолда баҳо бериб келинган. Муайян тарихий, ижтимоий –иқтисодий ва табиий иқлим шароитлар, жамиятнинг бадиий эстетик дунёқарашларини эътиборга олиш гўё иккинчи даражали ҳисобланган.

Амалда эса ландшафт архитектураси ва дизайни моддий ва маънавий, хусусан, бадиий маданият турлари билан бир оқимда ривож топган. Муайян тарихий даврнинг ўз мафкураси ва тушунчаларига асосланган архитектураси ва санъатининг ўзига хос хусусиятлари бор. Ландшафт архитектураси ва дизайни ҳам ҳар бир тарихий шароитда энг қадимги даврлар, кулдорчилик даври, Шарқда XX асргача давом этган феодализм даври капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиш даври, собиқ иттифоқ даври ва ниҳоят, мамлакатимиздаги мустақиллик даврида ўз хусусиятлари ва вазифаларига эга.

Архитектура ва шаҳарсозлик орасидаги бу ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда. Уларнинг энг биринчиси шаҳар кўчалари, майдонлари унинг энг нуфузли таркибий қисмларини мустақиллигимиз ривожини истиқлол мафкураси аҳолининг маиший турмуш тарзи ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга тушуриш бўлди. Иккинчи йўналиш бу шаҳар ҳудуди бўйлаб янги ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосланган маданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва иқтисодий

тараққиёт, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш ҳамда жойлаштириш бўлди. Учинчи йўналиш тури Самарқанд шаҳрини тарихийлиги ва умумжаҳон мавқеини эътиборга олиб шаҳарни тарихий қисмини ундаги меъморий ёдгорликларини таъминлаш, қайта тиклаш, замонавий ижтимоий ва сайёҳлик мақсадларига мослаштириш ҳамда шу йўл билан уларни келажак авлодлар учун асраб қолиш соҳасидаги ишлардир. Тўртинчи йўналишдаги ишлар эса аҳолини дам олиши шаҳар иқлими экологияси ва ландшафтини яхшилашда қаратилган, яъни ташқи очик муҳитни ободонлаштиришдан иборат бўлди. Маълумки, бу йўналишларнинг барчаси меъморчилик ва шаҳар қурилиши ишлари билан боғлиқдир. Айнан шу мақсадда мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача мўлжалланган шаҳарсозлик бош режаси ишлаб чиқилди. Унга юқорида кўрсатилган барча йўналишдаги ишлар ўз аксини топган.

Самарқанд шаҳри кўчалари ва майдонлари мустақиллик йилларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли айнан ана шундай тушунарли шаклан инсонга уйғун фуқаровий меъморий муҳитга айлантирмоқда. Мисол учун биргина Мустақиллик кўчасини олайлик, у буткул янгитдан қайта қурилди, кўча кенгайтирилди текисланди ва муҳандисона ободонлаштирилди.

Унинг архитектураси эса, ўзининг дастлабки тарихий муҳитига мос тарзда қайта тикланиб, янада кўркамлаштирилди.

Бу ишлани бажаришда Президентимизнинг Самарқандга қилган шахсий ташаббуси катта аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси бўйича ҳам Самарқандда жуда катта ишлар бажарилди. Шулардан бири шаҳарнинг эски маркази истироҳат боғининг қайта қурилиши бўлди. Боғ ҳудуди унга ёт элементар ва объектлардан тозаланди. Боғда очик ва ёпиқ яшил ҳудудлар

сайр хиёбонлари шакллантирилди. Боғ марказидаги майдонда Алишер Навоий ҳайкали тикланди. Шунингдек янги гулзорлар, дарахтзорлар, хиёбонлар, қоида бўйича парк ва концерт майдонлари амфитеатри ва сув хавзалари, болалар учун атракционлар янги дарвозалар қурилиб боғ обод, шинам ҳамда кўркем шаклга кирди.

Шаҳарнинг Суғдиёна тураржой мавзесидаги илгари ташландиқ ҳолдаги қаровсиз боғ ҳам Мустақиллик йиллари даврида янгитдан қайта қурилиб, буткул замонавий тус олди. Боғ ҳудуди бир нечта функционал зоналарга бўлинди.

Самарқанд “Университет хиёбони” ҳам қайта тикланди ва унга янгича функция берилди. Хиёбон чегараси замонавий панжаралар билан безатилди. Янги ёриткичлар, фавворалар ва ўриндиқлар қурилди. Ҳамда тўшалмалар ётқизилиб, ишга туширилди. Шунингдек, қўчирилган Самарқанд спирт заводининг ўрнига Регистон меъморий ансамблининг олди, ён ва орёа томонларида эски “Шоирлар хиёбони” ҳудудида, Ҳамид Олимжон театри олдида, “Афросиёб меҳмонхонаси ҳамда янги қурилган “Президент “меҳмонхонаси олдидаги ҳудудларда гулзорлар, фавворалар, янги сайлгоҳлар бунёд этилди. Ҳамда уларга замонавий янгича тус берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг барчаси республика президенти Ислам Каримовнинг эътиборида бўлди. Ана шу бунёдкорлик ишларида жаҳон ландшафт архитектурасининг бадиий-эстетик воситаларига амал қилиш ва Ўрта Осиёга хос миллий боғ-парк санъатининг чорбоғ услубини қайта тиклаш масаларига кенг эътибор берилди. Бунёд этилган меъморий иншоотлар, мемориаллар ва музейлар, боғ-хиёбонларнинг аксарияти мунтазам симметрик режада ишланиб, уларнинг ҳудуди очиқ ва ёпиқ яшил майдонлар буюк алломаларнинг тимсоли ифода этилди.

Бу меъмориал боғ-хиёбонларнинг ҳар бири ўзларининг режавий маркази ва ҳажмий-фазовий ечимидаги кулминациявий композицияларига

эга бўлганлари ҳолда, уларда қўлланилган яшил дунё ва архитектуравий курилиш материаллари орасидаги ўзаро уйғунлик самараси ушбу мажмуаларга тароват бағишлади. Бу мажмуаларнинг худуди нисбатан катта бўлмай 2 гектардан то 20 гектаргача майдонни ташкил этади.

Хуллас айтиш мумкинки, Марказий Осиё республикалари ландшафт архитектураси ва боғ-истироҳатчилик санъати бобида ўзининг бой тарихий меросига эга. Бу соҳада кейинги йилларда ўзига хос айрим муайян ютуқларга эришилган бўлсада, ландшафт архитектураси ва дизайннинг навбатдаги ривожини бу республикада эндигина тетепоё бўлиб оёққа турмокда.

Марказий Осиё республикалари ландшафт архитектурасининг замонавий қадамлари бугунги кунда ғайри-табиий ва шошилинич услублар билан эмас, балки босқичма-босқич ташланаётган бўлсада, унинг истиқболдаги тараққиёти порлоқ бўлишлиги учун тўлиқ имкониятлар мавжуд. Чунки замонавий ландшафт архитектураси ниҳоятда кўп қирралидир. Уни чуқурроқ англаш ва мушоҳада этмоқ учун ландшафт архитектурасининг фаолият доирасига кирувчи очиқ муҳитнинг турфа турларига мурожаат этмоғимиз зарурдир.

**АРХИТЕКТУРАВЙЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Ландшафт архитектурасининг табиий элементлари.

Иқлим ва микроиқлим дарахтзорлар шаҳар муҳитидаги иссиқликни меъёрида бошқарувчи самарали воситадир. Дарахтзорларнинг микроиқлим самарадорлиги жойнинг майдонига, дарахтзорларнинг наслий таркибига, қияликнинг зичлигига боғлиқдир.

Энг юқори микроиқлим самара ва ҳаво ҳароратининг ўзгариши ўрмонзор паркларда кузатилади. Микроиқлим самарадорлиги ва ҳаво ҳароратининг ўзгариши ўрмонзор паркларда кузатилади. Микроиқлимий самарани кучайиш тезлиги жойларнинг майдонига боғлиқ. Шундай энг мақбул ўлчамлар мавжудки, уларнинг камайтирилиши ҳаво ҳароратини камайтириш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Бу хулосалар ўрмонзор парклар ўлчамларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифалари.

Аҳолининг кўпайиши ва инсон фаолиятининг ҳар томонлама ривожланиши яшаш муҳитининг доийй равишда ўзгариб туриши билан ўзаро боғлиқдир. Яшаш муҳитини яхшилашда ландшафт архитектурасининг воситалари билан яхшилашнинг асосий тажрибалари бевосита инсоннинг атрофигагина таълуқли бўлмай балки барча ҳудудларда шаҳарнинг маҳаллий ҳудудидан бошлаб мамлакат ва сайёра миқёсигача таълуқлидир. Бундан ташқари ландшафт архитектурасининг асосий мақсади атроф-муҳитнинг экологик, эстетик ва функционал сифатларини ўйғунлаштириш ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай ўзгаришлар тасодифан ва бирдан юз бермайди-бу эволюцион жараёндир. Жамият ривожининг мазкур босқичида ландшафт архитектурасининг асосий вазифаси урбанизациялашган муҳитни режалаш ва “яшил архитектура” дизайни ҳамда ҳудудни ободонлаштириш элементлари воситасига уйғунлаштиришдир.

Мазкур мақсад жамиятнинг ҳаёт фаолиятининг моддий фазовий муҳитини шакллантирувчи шаҳар қурилиш мақсадлари билан яқин боғлангандир. Шунинг учун ландшафт архитектура ва шаҳар қурилиши мақсадлари билан яқин боғлангандир. Шунинг учун ландшафт шаҳар қурилиши бир-бирига боғланиб кетган ва ҳудудни ўзлаштиришнинг таксономик даражаларига мувофиқ табақалаштирилади.

Ландшафт архитектурасининг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- муҳоқаза қилиш,
- ўзгартириш ёки қайта яратиш,
- янги ландшафтларни яратиш.

Ҳудудларни ландшафтли ташкил этиш даражалари

Ландшафт архитектурасини ташкил қилишда унинг мақсадлари ва вазифаларини аниқлашдан ташқари ландшафт архитектори унинг амалиётга нима билан шуғулланишини тасаввур этиш жуда муҳимдир. Ландшафт лойиҳалаш муҳитини инсонни бевосита ўраб туришидан, шаҳар, қишлоқ муҳитидан то минтақавий майдонларни ландшафт-экологик, ландшафт-рекреацион ва ландшафт-эстетик сифатларга етказишгача бўлган мақсадларни назарда тутди.

Ландшафт архитектурасининг даржаси рекреацион объектларнинг парклар, дам олиш зоналари ва базалари туристик мажмуалари ва бошқа очик майдонлар ландшафтини лойиҳалаштиради. Бу ерда ландшафт режалаштириш ташкил этиши муҳим ўринни эгаллайди. Бу ерда ландшафт архитектор ёки ландшафт дизайнер майдонларини ландшафт архитекторининг юқоридаги айтиб ўтилган воситаларидан фойдаланилади.

Ландшафт архитектураси объектлардаги кичик архитектуравий ва декоратив шакллар.Булар бадиий безаш элементлари бўлиб, турли хил функцияларни бажариши мумкин. Улар умумий стил билан

бирлаштирилган безатилган хилма-хиллик яратадиган объектларини функционал вазифаларига рамзларининг жилодорлигини берадиган ва яна ташриф буюрувчиларини парк майдончаларининг у ёки бу зоналарига йўналтириш ахборотини бериш мумкин. Меъморий элементлар ва иншоотлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Декоратив меъморий ландшафт элементлар – фавворалар, ҳайкаллар, вазалар, перголалар ва пляжлар;
- Ғоявий-сиёсий мазмундаги меъморий элементлар – монументал ёдгорликлар, бюстлар;
- Маданий-маиший ва улитар мазмундаги элементлар – кўргазма повилёнлари, ёзги театрлар ва кино заллар, қироатхоналар, буфетлар, урналар, ёзувчи жадваллар, скамейкалар;
- Тинч дам олиш учун айвончалар, томоша майдонлари, повилёнлар;
- Фаол дам олиш учун болалар майдончалари, бадан тарбия майдончалари, аттракционлар.

Кичик формаларга қуйиладиган асосий талаблардан бири ушбу ҳудудни яшил ўсимликлари, рельеф ва ландшафт композицияларининг формалари билан уйғунликка эришишдир. Улар атроф-муҳитга номутаносибликни олиб кириши керак эмас, архитектуравий шакллар ихтиёрий архитектуравий шаклларни – кириш қисмидан, повилён, ратонда, галерея, супалар (бесетка), фонтанлар ёки кўприкчалардан ташқари фонарлар, панжарали тўсиқлар, ўриндиқлар ва бошқа кўринишларда акс эттириши мумкин.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ландшафт архитектураси ва дизайнининг мероси ҳақиқатдан бой ва чегарасиз. Чунки ҳр бир давр ёки мамлакат инсоннинг атроф-муҳит билан узвий боғлиқлигини ўзида ифода этувчи қанчадан-қанча ландшафт меъморчилиги ва дизайнининг гўзал асарлари билан бойитиб ва тараққий эттириб келган. Инсон нафақат табиий

муҳитдан, балки ўзи яратган очик сунъий муҳитдан ҳам фойдаланиб келди, зеро шаҳарлар шароитида ландшафт архитектураси ва дизайни сунъий яратилган кўчалар, майдонлар, боғ ва сув ҳавзалари, парклар ва хиёбонларда ўз аксини топди. Ва бу боғланиш алоҳида, ўзига хос хусусиятга эгаки, у ҳам бўлса ландшафт архитектураси ва дизайни объектларининг узлуксиз тинмай ўзгариб туришидир. Очик муҳитнинг шакли-шамойили эса ҳар бир соатда, дақиқада ўзгариб туради.

Кўкаламзорлар мавсумий ўзгариб турса, сув ҳавзалари доим ҳаракатда, одамлар, ҳайвонлар, экипажлар эса келади, кетади. Дарахт ва буталар, гуллар ўсиб бўй-бастаи ва шаклу-шамойилини янгилайди. Бу янгиланиш инсон ўрганган ландшафтда ўзига хос табиат театрини вужудга келтиради, дилга хушнудлик, кўнгилга ором бағишлайди. Агар борди-ю бу янгиланишни ландшафт архитектори ва дизайнери ўз лойиҳасида олдиндан эътиборга олиб, муҳитнинг замон ва маконда композицион ўзгариб туришини тасаввур этиб иш юритган бўлса, нур устига аъло нур, чунки бунда муҳитнинг нафақат композициявийлиги, балки табиий уйғунлиги ҳам таъминланади.

Мамлакатимизда боғ, паркчиликка азалдан катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам уни янада бойитиб, замонга хос равишда ривожланишига замин яратаётган янгидан янги ўзгартиришлар кузатилмоқда.

Зеро, она табиатга бўлган ҳурмат уни асраш, ардоқлаш ва ободонлаштиришдан иборатдир.

БАДИЙ ҚИСМ

Самарқанд шаҳри меъморчилигидаги ва шаҳарсозлигидаги замонавий йўналишлар

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрида яратилган архитектура иншоотлари ва бунёдкорлик ишларини диққат билан кузатар эканмиз, уларга хос бўлган мўжизакор муннаққошлик ва табиий манзаралар ҳамоҳанглигини улар муҳитидаги орасталик, изчил меъёрий тартибот халқ амалий санъатининг юксак меъморий туйғуларини ҳис этамиз.

Афсуски, ана шундай муҳим ва юксак меъморий муҳим ва юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кунда айрим туман марказлари ва қишлоқларимизда яратилаётган бино ва иншоотлар муҳитида етишмай турибди. Биз ишонамизки, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларида акс этилган моддий маданий қадриятларимиз халқимиз тафаккурини янги имкониятлар сари сафарбар этади. Ва бу йўлда Самарқандликларга Амир Темур каби ота-боболаримизнинг жўшқин бунёдкорлик маънавияти куч-қудрат ато этгай.

Шаҳар муҳитидаги ранглар ечими ва анъанавийлик

Шаҳар меъморий-фазовий муҳитини шакллантиришда рангнинг роли бугунги кунда ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Илмий техниканинг юксак тараққий этишга қарамасдан кўп ҳолда, ҳанузгача ранг композициялари масалалари тахминан яъни шунчаки бажариб келинган. Бу борада ўз даврида Ленинград инженер қурилиш институти (1976-й.) мутахассислари (К.Абрамов раҳбарлигида) томонидан “Рангни бошқариш”, “Ранг горманизатори”ни ўз ичига оладиган мажмуавий қўлланмаси яратилганлигини айтиб ўтиш лозим. Ушбу трансформацияли ранг танловчи ускунали қўлланма орқали жамоат ва саноат бинолари фасадини, интерьер деворини бадиий безаш мумкин. Қўлланма қўйидаги

қисмлардан иборат.”Ранг танловчи чизғич, трансформацияли альбом-каталог, ишчи коллерлар тўплами, полларни бўйлаш учун ранг танлаш ускунаси”. Ушбу қўлланмадан фойдаланиб Ленинград шахрининг (ҳозирги Санкт-Петербург) ”Электросила ” заводи цехларидаги муваффақиятли тажриба-синовларини ўтказилган.

Ранг меъморчилиқда улкан кучдир. Унинг меъморчилигида рангнинг ўзинини топмаслиги бу нотўғри ечимдир.

Бунда рангнинг инсон руҳиятига ижобий таъсир этишини ҳам ҳисобга олиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам ушбу масала тўлиқ ечилмаган, балки ранглар стихияли равишда танланмоқда. Демак, шаҳар пухта ўйлаб яратилган глобал аниқ муҳит ва вақтга мослашувчан бадиий концепцияга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, тасвирий ва меъморийлик синтезига асосланган бадиий ва меъморчилик ечимнинг умумийлиги жуда муҳимдир. Шунингдек шаҳар муҳити ечимидаги бадиий маънавий жиҳатлари фақат лойиҳачиларгагина боғлиқ эмас. Балки жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тизимида ҳам боғлиқ.

Бизнингча, бу борада ҳар бир шаҳарнинг ўз тарихий, бадиий муҳитдан келиб чиқиб, махсус ранг концепцияси ва уни бажариш дастурини яратиш даври келди деб ўйлаймиз.

Анъанавий ўзбек боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар “чорпоё” ёки “тахти равон”лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидан жилдирадиган “жаннат ариқлари” суви оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб кишига завқ бағишлайди.

Қуръони Каримда тагидан дарё оқувчи боғлар дейилганда аслида ана шундай боғлар эътиборга олинган. Бунда чорпоёларнинг қуюқ соя салқинда

ёпиқ яшил манзаравий муҳитда бўлиши одатий деб қаралиши зарару. Боғ тўшамалари табиий тош ёки ғиштлардан терилган текисликка эга бўлиши чорпоялар қошида осилган қафаслардаги какликларнинг соз сайраши кишига хузул бағишлаши ҳақида ҳам Қуръони Каримда ёзилган.

Боғ марказида бой кўшкини баланд қилиб, тепароқ жойда қуриш зарур. Токи ундан бутун боғнинг сўлим манзаралари кўриниб турсин. Кўшкда чирмашган атиргул ва боғни гулгун қилувчи гулзорлар ишлаш яхшидир ва бу боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғи керакки унда юрганлар кўзи узоқдаги гўзал манзарага чаман ва гулзорларга тушсин.

Боғ чегида манзарали дарахтлар ва гулзорлар узра сайр қилиб юрган киши бирон-бир ширин мевани ёки сабзавотни кўрмаса, ундан татимаса, бундай боғни том маънода ёзилган жаннат боғи деб бўлмаса кеарк.

Анъанавий ўзбек боғидаиншоотларни (иморатлар, кўшк, сарой, фаввора, ҳовуз, йўлак, ариқ) боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тархи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни боғ ва унинг иморатлари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик бой дизайннинг тамойилига айланиши зарур.

Анъанавий боғ ҳам шундай сифатга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифат уни энг муҳим меъморий ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак.

Бу сифат боғда сув дунёсиннинг турли меъморий шакллари (арикда жилдираб оқаётган сув фавворалардан, тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса, шалолалардан жилдираб оқаётган сув ҳам анъанавий ўзбек боғига хос муҳим хусусиятларидан бўлиши керак).

Анъанавий ўзбек боғи ўзида юзаки чирой манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги

ҳамда инсоннинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ва тушуниш асосида яратилган анъанавий “Чорбоғ” услубидаги боғ бўлмоғи керак, десак хато бўлмайди.

Шундай қилиб, биз анъанавий ўзбек боғини яратишда юқорида баён этилган дастур амалларига, тартиботларга ва тарихий қадриятларга асослансак, уларга оғишмай амал қилсак, келажакда бунёд этиладиган миллий ўзбек боғини илмий асослашнинг Ўзбекистон архитектура фанида илк бор тамал тошини қўйган бўламиз ва ана шу тарихий қадриятлар ва маъмурий дастурга асосланиб авал ўзимизда, республикамызда сўнгра хорижий мамлакатларда ҳам ҳақиқий миллий ўзбек боғини яратиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР

Мажнунтол-толдошлар оиласига мансуб дарахт. Бўйи 8-10 мгача. Пояси тик, новдалари туксиз, ялтироқ, узун ва ингичка эгилиб ўсади. Бир йиллик новдалари эса майин тук билан қопланган. Барги оддий, наштарсимон пояда кетма-кет жойлашган. Гули бир жинсли, тштили кучаласимон. Март-апрелда гуллайди, уруғи тукли. Мажнунтол манзарали дарахт сифатида кўп ўстирилади.

Магнолия – магнолиядошлар оиласига мансуб доим яшил ёки барг тўкадиган дарахтлар туркуми. Мажнунтолни 80 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 3 тури тарқалган. Бўйи 10-13 м оралиғида. Барглари эллипссимон ёки тухумсимон, ялтироқ, бандли, кетма-кет жойлашган. Гуллари йирик, оқ, хушбўй, якка. Ўзбекистонда ўстириладиганининг барги кузда тўкилади.

Сарв – сарвдошлар оиласига мансуб игна баргли ўсимликлар туркуми, бир уйли, доим яшил манзарали дарахт ва буталар. Бўйи 30 смдан ортиқ, танасининг диаметри 50-60 см, 200-300 йил, баъзи маълумотларга кўра 2000

йилгача яшайди. Уруғ куртаги кўп. Тўтули 2-йили етилади. Игнабарглилари яшил ёки ҳаворанг. Пўстлоғи қалин, қорамтир-қўнғир. Кўпроқ доим яшил Сарв турининг пирамидасимон хили кўп экилади.

Эман дарахти – танаси 3-4 қулочли ёлғиз ўсган эманни ҳайбатли дарахт деса бўлади, бундай улкан дарахтнинг тагида қор, ёмғир ва қуёш нуридан бемалол сақланса бўлади. Эман 1000 йилгача яшайди. Унинг бўйи 50 метргача етади. Эман дарахти ёруғликни хуш кўради ва сувда чиримайди.

Каштан – қорақайиндошлар оиласининг бир тури ҳисобланади. Ёнғок мевали ва манзарали дарахт. Каштан 500-1000 йилгача яшайди. Бўйи 35 м, танаси диаметри 2 мга боради. Шох-шаббалари кенг, барги оддий, йирик, узунлиги 12-25 см калта бандли, навбатма-навбат жойлашган. Барг чиқаргандай кейин гуллайди.

Қарағай – қарағайдошлар оиласига мансуб игна баргли дарахтлар ва буталар туркуми. Қарағайнинг бўйи 15-20 (30) м гача. Шох-шаббаси кенг, узун. Қарағай иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик 150-500 (600) йилгача яшайди.

Қайрағоч – қайрағочдошлар оиласига мансуб барг тўкувчи дарахтлар туркуми, манзарали ўсимлик. Қайрағочнинг бўйи 10-15 м, шох-шаббаси қалин, шарсимон, барглари кетма-кет жойлашган, тухумсимон. Март – апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Қайрағочнинг ҳамма турли ўрмонлар, парклар, ихота дарахтзорлари барпо этиш учун экилади.

Боғ-парк композициясини ташкил этишдаги асосий услублар.

Стил – бу нафақат боғ-парк санъатини ишлаб чиқишда эстетик категория, балки у ҳаёт фаолиятидаги кўрсаткичдир. Замонавий боғ-парк санъатида турли тенденцияларнинг барча юксаклигининг очилиши ўтган вақтдан бизгача етиб келган оқим ва таъмдир.

Тарихда асосий икки стилга ажралади: архитектура-очиқлик, боғлар ва паркларнинг ташкил этиш тарҳига-доимий ёки геометрик архитектура ва ландшафт ёки табиий, кейинчалик, парк ва боғлар ландшафт архитектура

ташкили, бу стиллар, тенденциялар билан бирга кенг тарқалади.

Доимий стил-ўзининг тўғри чизиқли хиёбонлари, яшил қурилмаларнинг симметрик жойлашуви, геометрик шаклларининг тўғрилиги билан тавсифланади. Дархтлар ва буталарни қирқиш кенгрок ишлатилади. Оддий қилиб айтганда, бундай объектда кенгрок партерлар кутилади, кенг йўлларнинг давомчиси, уларга нисбатан сквер ва боғнинг ҳамма қисларида симметрик ва асимметрик жойлашиши мумкин.

Ландшафт стили – табиий картиналар яхшиланишининг қайтарилиши билан характерланади. Ўсимликлар табиий гуруҳ ҳолатида эркин жойлашади. Қурук картиналар, дарахтлар, буталар, ўтлоқлар, очик сув усти билан алмашинади. Йўлаклар ва хиёбонлар ўрмон йўлларида эркин қўйилади. Бу архитекторга табиий картиналарни катта бўлмаган ҳудудларда қуришга имкон беради.

Аралаш стил-яшил қўчатларнинг тарзи икки стил тамойилинининг тарзи икки стил тамойилинининг уйғунлигига вужудга келади: доимий-оммавий келувчилар зонасида, ландшафт – тинч дам олиш зонасида. Аралаш стилнинг композиция бирлигидаги бошқа усули дарахтларнинг асимметрик экилиши, қўйилишинининг аралашувида мумкин ва ҳоказо.

Стил танлаш – домий – расмий ёки норасмий манзарада эркин ёки норасмий манзарада эркин бўлиши керак эмас. Боғ-парк композицияси, ландшафтда стилини ақлан ишлатиш шарт-шароитини функционал мақсадда бўлади ва табиий шароитлар ёқимлидир.

КОНСТРУКТИВ ҚИСМИ

Қуриладиган объектнинг конструктив ечими лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Конструктив система объектнинг мустаҳкамлигини, устуворлигини таъминловчи, ўзаро боғланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг мажмуасидир.

Конструктив системани танлаш билан бинодаги ҳар бир конструкциянинг статик роли белгиланади.

Бинодаги юк кўтарувчи конструкцияларни горизонтал ва вертикал элементлардан иборат дейиш мумкин. Горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар устларига тушадиган барча вертикал юкларни қабул қилиб олиб, вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатадилар.

Шу билан бирга горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар бинодаги бикрлик диафрагмаси вазифасини ҳам бажарадилар, яъни горизонтал юклар ва таъсирларни (шамол, zilзила ва бошқа) қабул қилиб вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатадилар. Горизонтал юкларни вертикал конструкцияларга узатишни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин.

Вертикал юк кўтарувчи конструкциялар турли хил. Бу конструкцияларнинг турли конструктив системаларни турларга бўлиш учун белги бўлиб хизмат қилади. Вертикал юк кўтарувчи конструкцияларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ясси конструкциялар (деворлар)
2. Яхлит кесимли стерженлар (устунлар)
3. Ҳажмий блоклар
4. Очиқ ёки ёпиқ профилли юпқа деворли стержен кўринишдаги бино баландлигига ҳажмий фазовий ички юк кўтарувчи конструкциялар.
5. Ёпиқ профилли юпқа деворли стержен кўринишидаги , бинонинг ташқи тўсиқ конструкциясини ҳосил қилувчи , бинонинг

баландлигига тенг ҳажмий-фазовий ташқи юк кўтарувчи конструкциялар.

Шу вертикал кўтарувчи конструкцияларнинг турларига мос равишда қўйидаги асосий конструктив системаларни ажратиш мумкин.

- 1.Каркассиз(деворли) система,
- 2.Каркасли система,
- 3.Ҳажмий блокли система,
- 4.Стволли система.
- 5.Қобиксимон система.

Бу асосий конструктив системалар биргаликда ҳар хил комбинацияларга бўлинишлари ҳам мумкин.

Конструктив схема-маълум бир конструктив системанинг вариантыдир.Конструктив схема- юк кўтарувчи схемаларнинг фазода жойлашувига ва таркибига қараб белгиланади.Уни ҳам лойихалаштиришнинг бошланғич босқичида бинога қўйилган ҳажмий-план , конструктив ва технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.Каркосли биноларга 4та конструктив схема қўлланилиши мумкин.

Қурилиш системаси – бинолар конструктив ечимининг материал ва қурилиш технологияси бўйича комплекс характеристикадир. Қурилиш системаларининг турли техник –иқтисодий кўрсаткичларга қўрсатилган.

Майда элементлардан ,яъни ғиштлардан қилинган биноларда бошқа биноларга нисбатан келтирилган харажатлар камроқ.

Бинодан тушадиган юкни қабул қилувчи пойдевор остидаги грунт ёки тош жинслари замин асос деб аталади.

Бинонинг узоққа чидамлилиги, унинг эксплуатацион сифатлари кўп жиҳатдан заминнинг ҳолатига боғлиқ бўлганлиги сабабли, заминларга жиддий талаблар қўйилади.

Заминларнинг юк кўтариш қобилияти етарли бўлиши керак, улар бир

текис сиқилувчан , кўзғалмас бўлишлари керак, ер ости сувлари таъсирида ювилиб эриб кетмайдиган, музлаганда шишмайдиган бўлишлари лозим.

Агар пойдевор остидаги грунт ўзининг табиий ҳолатида бинонинг устиворлигини, унда бир текис деформация бўлишини таъминлаш учун етарли юк кўтариш қобилиятига эга бўлса, бундай замин табиий замин деб аталади.

Агар пойдевор қўйиладиган чуқурликда заминнинг юк кўтарувчи қобилияти етарли бўлмаса, уни сунъий равишда мустаҳкамлаш керак бўлади. Бундай заминни сунъий замин деб аталади. Пойдеворлар бинодан тушадиган юкларни заминга узатиш учун хизмат қиладилар. Бинонинг узоққа чидамлиги, мустаҳкамлиги вап устиворлиги кўп жиҳатдан пойдеворнинг сифатига боғлиқ.

Майда элементлардан қилинадиган деворлар

Бинолардаги деворлар улардаги жойлашган ўринларига қараб ташқи ва ички деворларига бўлинади.

Ташқи деворлар бинодаги ички сунъий яратилган муҳитни ташқи инсоннинг ифодасига боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариб турадиган муҳитдан ажратиб турадилар. Улар ўзларининг хусусий оғирликларини, ёпмалардан тушадиган юкларни, шамол таъсирини заминнинг акс таъсиридан бўладиган таъсирларни қабул қиладилар. Ташқи деворлар ташқи томонидан қуёш радиациясининг , ёғин-сочинларнинг, ўзгариб турувчи ҳаво температураси ва нисбий намлигининг, ташқи шовқиннинг таъсирида бўладигандир. Уларга ичкаридан иссиқлик оқими, сув боғлари оқими, шовқин таъсир қилиши мумкин.

Деворларнинг материал ва технология бўйича классификациясини курилиш системаси белгилайди.

Масалан ғиштдан қўлда терилган ғишт девор заводда тайёрланган

йирик блок девор ёки йирик панель деворлар қилиш мумкин. Турли хил бетонлардан эса йирик ғиштли ҳажмий кўчириладиган ва сирғалувчи колипларда монолит деворлар, йирик блок, йирик панел ҳажмий блок кўринишида деворлар қилиниши мумкин.

Деворларнинг улардаги турли материаллардан қилинган катламаларининг сонига қараб бир катламли, икки катламли ва уч катламли конструктив ечимлари мавжуд. Кўп катламли деворлар, авалги кўриб ўтилганидек, бир жинсли бўлмаган катламлардан иборат бўлишлари мумкин. Майда ўлчамли элементлардан қилинадиган деворлар кўп қўл меҳнати талаб қилинади. Аммо қурилишда уларнинг улуши ҳозирга салмоқли. Улардан ғишт деворлар. Ғишт теришда икки қаторли (занжирли) ва олти қаторли системалар қўлланилади. Икки қаторли системада терилган ғишт деворларда кўндаланг ва бўйлама ғишт қаторлари алмашиб келади. Олти қаторли системада терилганда эса, кўндаланг терилган ғишт қатори бешта бўйлама қатор терилгандан сўнг қайтарилади.

Ғишт деворлар бир жинсли (яхлит) ва бир жинсли бўлмаган (енгиллаштирилган) деворларга бўлинади. Бир жинсли ғишт деворлар оддий, ковакли ва енгил ғиштлардан цемент-қум қоришмаси ёрдамида кўтарилади. Чокнинг қалинлиги 1см атрофида бўлиши керак. Бир жинсли бўлмаган ғишт деворлар бўлиб, уларда деворнинг ўрта қисмидаги ғиштни бир қисми бошқа иссиқликни кам ўтказувчи материал билан алмаштирилади.

Бино ва иншоот устёпмалари конструкциялари.

Бино ва иншоот устёпмалари учун ёпма плиталардан иборат конструкцияларнинг йиғма элементлари қўлланилиб, улар 6 ёки 12м қадам билан жойлаштирилган, ферма ёки арклар кўринишидаги кўтарувчи конструкцияларга таянади. Кўтарувчи ва тўсувчи вазифасини турли

конструктив элементлар бажарувчи бундай ясси тизимдан фарқли равишда, масалан асосан катта оралиқларни ёпиш учун қўлланиладиган қобиқ, тўлқинсимон гумбаз қўринишидаги (яхлит) фазовий юпқа дкворли устёпмалар ҳам мавжуд. Бунда конструкциялар материали ишлашдаги қулай статик шароитлар ва элтувчи ҳамда тўсувчи вазифаларни бирга қўшиб олиб борилгани сабабли катта самара билан фойдаланилади.Шунга карамай тайёрланиш ва монтаж қилиниш анча соддалиги билан ажралиб турувчи ясси тизимлар қурилишда жуда кўп қўлланилмоқда.

Хулоса қилинадиган бўлсак, қурилиш конструкциялари ҳар қандай бино ва сунъий иншоотларни қуриш, турар жой бинолари , жамоат , саноат ва қишлоқ хўжалик бинолари, кўприклар, катта ҳажмли иморатлар, кувурлар ва бошқаларни асосий ҳисобланади. Маълум бир объект қуриш учун сарфланган харажатларнинг асосий қисми шуларга тўғри келади.

**ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ
ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ**

Хаётий фаолият хавфсизлиги электр хавфсизлиги

Электр токининг инсон организмга таъсири.

Электр токи организм орқали ўтганда иссиқлик, электролитлик ва биологик таъсир ўтказади. Иссиқлик таъсири тананинг айрим қисмлаининг куйиши, қон томирлари, асаб ва бошқа тўқималарнинг қизиши билан тавсифланади. Электролитик таъсир қон ва бошқа органик суюқликларнинг кўриниши ва улар физик-кимёвий таркибининг бузилишига олиб келади.

Электр токидан олинган жароҳатларни шартли равишда маҳаллий ва умумий турларига бўлиш мумкин. Умумий турини одатда ток уруши дейилади. Маҳаллий турлари организм маълум қисмининг электр ёйи таъсирида шикастланишдир.

Электр токи таъсирини бу турлари шикастланишининг икки турини келтириб чиқаради: электр токидан шикастланиш ва электр токи уруши. Электр токидан шикастланиш, бу электр ёйи таъсир этиши натижасида организмнинг айрим қисмлардаги тўқималарнинг шикастланишидир. Электр токидан шикастланишнинг кўйидаги турлари фарқланади: электр токидан куйиш, терининг металланиши ва механик шикастланишлар. Электр излари ток таъсир этган одамнинг таниси сиртида аниқ кўриниб турадиган кулранг ёки очик сариқ рангдаги доғлардир.

Терининг шикастланган қисми қадоқ сингари қаттиқлашиб қолади. Электр токи уриши, бу организм орқали электр токи ўтиши натижасида мушакларнинг тортишиб қолишидир. Одам организмга электр токининг таъсири қандай оқибатларга олиб келишига қараб, электр токининг урушини шу равишда кўйидаги тўрт даражага ажратиш мумкин:

1 даража – мушаклар тортишиб қолади, аммо одам ҳушидан кетмайди;

2 даража – мушаклари тортишиб қолиб, ҳушидан кетади, лекин у нафас олади ва юраги уриб туради;

3 даража – мушаклар тортишиб, юрак фаоляти ёки нафас олиши бузилади;

4 даража –клиник ўлим юз беради, яъни нафас олиш ва қон айланиш тўхтайди.

Электр токидан ҳимояланиш ҳимояланиш.

Токдан сақланиш учун ускуналарнинг ток юривчи қисмларига яқин келмаслик, қўл тегизмаслик, бехосдан тегиб кетмаслик керак. Қобик ва бошқа металл қисмларда ток пайдо бўлганда, авфни олдини олишга, паст кучланишда ишлаш, нга улаш, нол симига улаш, ҳимояловчи ўчириб қўйгувчиларни қўллаш билан эришилади.

Ҳозирги замон тиббиёти электр токидан шикастланганларга самарали ёрдам кўрсатиш учун кўплаб мукамал васиталарга эга. Аммо электр қурилмаларда ишлайдиган ҳар бир киши то тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар , электр токидан шикастланганга биринчи ёрдам кўрсатишни билиши керак.

Ёнғин хавфсизлиги асослари.

Ёнғинга қарши ишларни ташкил қилиш.

Ёнғин инсон ҳаётида катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун , корбанат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари кишиларнинг жароҳатланишига , ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишнинг тақозо қилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойлар ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади. Ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади.

Болалар боғчасининг санитарик ва гигиеник масалалари тўғрисида гапирадиган бўлсак, ўйингоҳлар янги чиройли кўрингани билан тозалик талабига жавоб бермайди. Кундан-кунга эскилашиб, кирлашиб, бориб-бориб талабга жавоб бермайдиган аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Ёритиш масалаларини оладиган бўлсак, кундузи қуёш бўлганлиги учун болалар боғчасида асосан кечқурунлар сайрга чиқишади.Шунинг учун ҳам сунъий ёритиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади.Сунъий ёритиш меъёрлари санитар меъёрларига мувофиқ белгиланади.Ҳозирги пайтда сунъий ёруғлик, асосан икки хил чўғланма ва люминесцент лампалар орқали ҳосил қилинади. Булардан ташқари болалар чўмиладиган жойи, фонтанларнинг тозалikka жавоб бермаслиги ҳам ачинарли ҳолдир.Чунки бу ерда бир кунда ўнлаб, ва ҳатто юзлаб болалар ташриф буюриши мумкин.

Яна бир масалани оладиган бўлсак,”Аквапарк” нинг атрофлари очик панжаралар ва ҳимоя васиталари ўрнатилмаган.Бу оддий ҳол бўлиб кўриниши мумкин, лекмн кейинчалик кандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Болалар майдончасидаги качелилар ҳам бузилиб ёмон аҳволга келиб қолган. Буларни тузатиш эса ҳеч бир ходимни ҳаёлига ҳам келмайди.

Бундан ташқари , ўтирадиган ўриндиқлар ҳам ўрнатилмаган.Бу камчиликларни бартараф этиш ҳақида нафақат дизайнерлар, балки парк ходимлари ҳам уйлашлари керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Хаётий фаолият ” хавфсизлигини урганиш, билиш ташвиқот қилиш ва одамларни хавф-хатардан ҳимоя қилиш масалалари асосида тарбиялашдир. Меҳнатни ва моддий бойликларни асраш -аввайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ЭКОЛОГИЯ

ҚИСМИ

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари.

Лойиха қилинаётган объект Самарқанд шаҳар Суғдиёна истирохат боғининг архитектуравий ландшафт ечими. Боғнинг яқин атрофларида мактаблар, болалар боғчалари, иш корхоналари, турар жой бинолари жойлашган.

Иқлим шароити кескин континентал, қуруқ иқлим. Булутли кунлар кам бўлади. Текисликларда қиш илиқ. Январнинг шртача температураси шимолда -2, тоғларда -4,8. Ёзи иссиқ. Июлнинг ўртача температураси 29,9-27,8, энг паст температура 32, энг юқори температура 42. Ўртача йиллик ёғин 282-459мм. Ёнғиннинг 80% ва баҳорда ёғади. Қор 16-20 кунгача сақланади.

Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Атмосферанинг ифлосланиши деб, бир сўз билан айтганда ҳаво таркибига бегона моддалар ва қўшимчаларни меъёридан ортиқ тўпланишига айтилади. Ҳавонинг ифлосланиши табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Табиий ифлосланиш. Атмосферада доимо маълум миқдорда чанглар бўлади. У табиатда содир бўладиган табиий ҳодисалар натижасида ҳосил бўлади. Бундай чанглар уч турга : минерал, органик ва коинот чангларига ажратиш мумкин. Тоғ жинсларининг емирилиши ва нураши, вулқонларнинг отилиши, тўқай ва ўрмонларга ўт кетиши, вулқонларнинг отилиши, тўқай ва ўрмонларга ўт кетиши, денгиз сувларини парланиб ҳавода тузга айланиши минерал чанглар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Органик жанглар ҳавода яшовчи аэроплактон организмлар, бактериялар ўсимлик уруғлари ва ҳайвонларнинг чиринди ва чиқиндилари ҳисобига ҳосил бўлади. Антропоген ифлосланиш асосан транспорт воситаларида,

саноат корхоналарида ва энергия ишлаб чиқарувчи тармоқларда органик ёнилғилардан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва ажратмаларнинг ҳаво ҳавзасига тушиши оқибатида содир бўлади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш муаммоси бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Бу муаммо айниқса саноати ривожланган мамлакатларда энг ўткир муаммолардан бўлиб турибди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан инсонларга в етказилаётган зарар саноат ва маиший чиқиндиларни очик сув ҳавзаларига ташлашдан етказиладиган зарардан кам эмас.

Атмосфера ҳавоси битмас-тугалмас ресурслар категориясига киради. Аммо, инсонларнинг ҳўжалик фаолияти атмосферага таъсир кўрсатади ва унинг таркибини ўзгартириб юборади.

Транспорт воситалари сонининг йилдан-йилга кўпайиб бориши, турли ёпилмалардан фойдаланиш шунингдек, ўрмонларнинг камайиши, океан сувларининг ифлосланиши, ядро курулларнинг портлашиши натижасида атмосферада кислород миқдори камайиб, карбонат ангидриди ва азот оксидлари миқдорининг ошиши кузатилмоқда.

Агар ҳаво таркибида карбонат ангидриди миқдори ошиб бораверса, унинг ифлосланиши олди олинмаса, яна 50 йилдан сўнг , ер юзаси ҳарорати ўртача 1,5-3,0 га ошиши мумкин. Натижада , музликларнинг эриши, океан сувлари сатҳининг кўтарилиши, куруқликнинг бир қисмини сув босиши, географик муҳитнинг ўзгариши содир бўлади.

Атмосфера ҳавоси асосан ёнилғи ресурсларидан фойдаланиш кўламининг ўсиши ҳисобига ифлосланади.

Атмосферани ифлослантиришда транспорт воситаларининг “ҳиссаси” республикамиз ҳудудида юқорилигича қолмоқда. Республика бўйича бу кўрсаткич 35 фоизни, айрим шаҳарларда эса 80 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда олид борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, рақ

касаллигини келиб чиқишида автобиода ёнишнинг чала ёниши натижасида ажралиб чиқадиган ароматик углеводлар ҳам роль ўйнайди.

Худуднинг тупроғи, ер ости ва усти сув ресурслари.

Ернинг тош ўрали сатҳининг ташқи тузилишига рельеф дейилади. Рельефнинг шаклланиши унинг ёнишини, морфологик тузилишини, ўзгаришини ва тарқалиши қонуниятларини геморфология фани ўрганади. Ер сатҳининг тузилиши, тарихий тараққиёти, унда ҳаётнинг ривожланиши асосан ернинг ички қисмида вужудга келадиган тектоник жараёнларга ва иқлимга боғлиқдир. Ер текис, намлик ва ҳарорати етарли бўлган тил, тоғ жинсларидан ташкил топган бўлса, у ерда ўсимлик, ҳашаротлар ва микроорганик қолдиқ чиқиндиларига бойиб, тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши тезлашади. Тупроқ қатламининг қалинлиги тахминан 1-3 метр бўлиб, у А, Б, С қаватлардан иборат бўлади. Юқорида жойлашган чириндига бой бўлган энг унумдор қисми А-гумусли қават ҳисобланади. Унинг остида тепадан ювилиб тушган карбонат тузли, Б-иллювиал қават жойлашган бўлиб, 1,5-2 метр чуқурликкача кам ўзгарган. Энг қуйида С-она жинсли қават ётади. Тупроқ турлари кутблардан экваторга ҳамда текисликлардан тоғларга қараб иқлим ўзгариши билан қонуний равишда ўзгариб боради. Геологик замин, рельеф ва иқлимнинг ўзгаришига қараб, ҳар ернинг ўзига хос тупроқлари, ўсимлик турлари ва ҳайвонот дунёси ривожланади.

Сув–табиатнинг қимматбаҳо ресурси бўлиб, биосферанинг мавжудлигини таъминловчи моддалар алмашилишининг жараёнларида ўта муҳим рол ўйнайди.

Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин. Ер ости сувлари ва ёғин-сочин сувларининг ернинг устки сув ўтказувчан қаватидан филтрланиши натижасида ернинг қуйи сув ўтказмас қаватларида тўпланиши эвазига ҳосил бўлади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудидаги ер ости сувларининг аксарияти ўзига хослиги, ҳарорати, кимёвий ва бактериалогик таркиби бўйича “ичимлик суви” га бўлган ГОСТ талабларига жавоб беради.

Ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги Ернинг юқори унумдор тупроқ қисми шўрланган, кучли эрозия кузатилмаган. Шу сабабли ҳар хил ўсимликларга бой. Ўсимликлар табиатнинг муҳим таркибий қисми сифатида ернинг асосий биомассасини ташкил этадилар ва биосферадаги модда айланишини таъминлайдилар. Ўсимликлар иқлимни мўътадиллаштиришда ҳам катта рол ўйнайдилар. Ўсимликлар дунёсининг санитар-гигиеник, соғломлаштириш ва шифобахшлик аҳамиятлари ҳам беқиёсдир. Ўсимлик дунёсининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар тупроқларни шамол, сув, қуёш, инсон ва ҳайвонларнинг зарарлик таъсиридан ҳимоялаб турадилар.

Ҳайвонот дунёсининг биосфера ва инсон ҳаётида тутган ўрни. Ҳайвонотлар биомассаси бўйича ердаги тирик организмларнинг бор-йўғи 2 % ини ташкил этишга қарамай, уларнинг биосфера ва инсон ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир ва бизнинг ўлкамизда, хусусан Самарқанд шаҳрида ҳайвонот оламига бўлган ҳурмати, эътибори ва меҳри жуда ҳам катта.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳа қилинаётган объект ташкил этиладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер усти сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганилиб чиқилди.

Умуман олганда, ўша жой ташкил этиладиган болалар боғчаси учун қулай жой ҳисобланади ва биз дизайнерларнинг ишимиз боғнинг янада гўзал ва кўркем бўлишини таъминлашдан иборатдир.

ХУЛОСА

Таъкидлашимиз лозимки, ландшафт архитектураси ва дизайни масалалари айрим ривожланган Шарқ ва Ғарб мамлакатларида давлат сиёсати, ҳатто халқ миллий мафкураси билан алоҳида тарзда қоришиб кетган. Масалан, Япония, Франция, Англия, Бразилия каби мамлакатларда шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва ландшафт архитектураси миллат ғурури ҳисобланади. Яқинда Тошкентда ташкил этилган. Япон боғи фикримизнинг исботидир. Ушбу мамлакатларда “Ландшафт архитектураси” ва “Ландшафт дизайни” номли махсус даврий журналлар чиқарилдики, улар халқни ва ёшларни шу йўсинда тарбиялайди. Энди ўйлаб кўрайлик, биз Японияда ўзбек миллий боғини ташкил қила оламизми? Тан олишимиз керакки, бу саволга ижобий жавоб беришга ожизмиз. Негаки, японлар ўзларининг миллий боғини қандай яратиш концепциясига эга, биз эса афсуски бундай концепцияга ҳозирча эга эмасмиз.

Бизда агар улуғ алломалар таваллудини муносиб нишонлаш ва миллий байрамлар ўтказиш муносабати билан асосан пойтахт шаҳарларида барпо этилаётган боғ-ҳиёбонлар ва ихтисослашган истироҳат паркларини эътиборга олмасак, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш санъати, ландшафт архитектураси ва меъморий муҳит дизайни ишларининг миллий дастурини яратиш ва уни жаҳон ҳамда Марказий Осиё халқларининг тарихий меъморий боғ-истироҳатчилиқ ва ландшафт дизайни санъатига уйғунлаштириш масалалари устида арзигудек ё амалий, ёки илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётир.

Тўғри, кейинги йилларда пойтахт, шаҳарларда, жумладан Тошкент, Остона, Ашхабодда ландшафт архитектураси, меъморий муҳит дизайни, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистонда ҳатто Республика Президенти

ташаббуси билан “Обод маҳалла” йили ва дастури амалда жорий этилди. Бу соҳада вилоятларда, жумладан Самарқандда ҳам катор ишлар амалга оширилди. Шаҳардаги мавжуд “Парк-озеро” қайта ишланиб, “Афсона” номли янги болалар аквапарки вужудга келди, “Университет хиёбони” қайта ишланди, Суғдиёна турар жой масканида янги истироҳат боғи бунёд этилмоқда ва ҳоказо. Бироқ, булар кўпни ва дунёни кўрган юртбошимиз ва айрим жонкуяр вилоят ҳокимларининг саъй-ҳаракатларининг натижасида рўёбга чиқмоқда. Шу билан бирга архитекторлар ва ландшафт дизайнерлари фаолияти, шу жумладан ландшафт архитектураси ва дизайни фанининг Марказий Осиё республикаларида жаҳон амалиётидан орқада қолиши сезилмоқда. Кейинги йилларда вилоятлар туманларида кўплаб хўжалик боғлари барпо этилмоқда. Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича оммавий халқ ҳашарлари, республика миқёсида эса кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари ўтказилмоқда, ишонаманки бизнинг боғ-паркчилик борасидаги ҳам назарий, ҳам амалий ишларимиз ўз натижасини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан. Илмий-оммабоп рисола. Тошкент, 2011 йил.
2. С.С.Ожегов, А.С.Уралов. Ландшафт архитектураси ва дизайни. Самарқанд, 2003 йил.
3. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. 1-қисм. Тошкент, 2009 йил.
4. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. 2-қисм. Тошкент, 2009 йил.
5. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2000 йил.
6. М.М.Махмудов. Архитектура. Маърузалар матни.Самарқанд, 2005 йил.
7. Б.Асқаров. Қурилиш конструкциялари.Тошкент,“Ўзбекистон”, 1995 йил.
8. О.Қудратов, Т.Ғаниев. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги. Тошкент, “Меҳнат” – 2004 йил.
9. П.С.Султонов, Қ.П.Ахмедов. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари. Тошкент, 2004 йил.
10. А.С.Уралов. Ландшафт. Самарқанд, 2000 йил.
11. www.ziyo.uz